



диққатга сазовор. Тоштемир Ўтрор ҳокими Ғойирхоннинг энг ишонган саркардаларидан, мард, жасур, паҳлавон йигитдир. Тоштемир ҳам Ғойирхоннинг ёнида охириги қони қолгунича мўғуллар билан жанг қилиб мардоновор ҳалок бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, услубий жиҳатдан Миркарим Осимнинг тарихий қиссаси изчил, тарихий-реалистик услубда ёзилган бўлса, мисрлик адиб Жамол ал-Ғитонийнинг узун ҳикояси мураккаб усулда, миллий мерос ҳамда замонавий модернистик услубларни уйғунлаштирган ҳолда яратилган. Ҳар икки адиб ҳам тарихий воқеаларга бағишланган асарларида келажак авлодда ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, ўз ватанини ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, ҳар доим огоҳ ва ҳушёр бўлиши лозимлиги каби юксак туйғуларни илгари сурадилар.

ШАҲЛО АҲМЕДОВА

Филология фанлари номзоди, ТошДШИ

Ҳозирги Ўмон насри араб адабиёти контекстида

Аннотация. Ушбу мақолада Кўрфаз (Халиж) араб мамлакатлари адабиёти ривожига таъсир қилган омиллар, шунингдек, мазкур омилларнинг Ўмон адабиётининг ўзига хос шаклланишидаги роли ўрганилган. Шунингдек, Ўмон насри тараққиётига ҳисса қўшган ёзувчилар ва уларнинг асарлари тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Ўмон насри, модернизм, реализм, миллий колорит, сеҳрли реализм.

Аннотация. Эта статья посвящена факторам, влияющим на развитие литературы арабских стран Персидского залива (ал-Халидж), а также своеобразной роли этих факторов в формировании оманской литературы. Изучены писатели, которые способствовали развитию оманской прозы, и их произведения.

Опорные слова и выражения: оманская проза, модернизм, реализм, национальный характер, магический реализм.

Abstract. This article is devoted to the factors influenced on development of literature of Gulf Arab countries as well as the peculiar role of these factors in Oman literature formation. The writers, contributed to the development of Omani prose, have been studied in it.

Keywords and expressions: oman prose, modernism, realism, national character, magic realism.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб мумтоз араб адабиёти аста-секин муслмон ўрта аср даврида шаклланган мумтоз адабий анъаналардан воз кечиб, ўзгариб бораётган сиёсий-ижтимоий воқеликни тасвир этишга янги бадиий услублар ва ифодавий тасвирий воситалар излай бошлайди, жумладан ғарб адабиёти тажрибасига мурожаат қилади. Мазкур адабий янгиланиш жараёни Миср, Сурия ва Ливанда бошланиб, XX асрнинг 60-йилларига бориб Халиж араб мамлакатлари бу жараёнларга жалб қилинди.



Бу араб мамлакатлари адабий янгиланиш йўлига кечроқ ўтган бўлса ҳам унда маданий-адабий ривожланиш жараёни тезкорлик билан ўтиши кузатилди: Кувайт ва Баҳрайнда – 1940 йил, Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар ва Ўмонда 1960 йилларда бошланди.

Кувайт ва Баҳрайн адабиётидаги янгиланиш ҳаракатининг бошланиши миллий уйғониш ғояларининг тарқалиши билан узвий боғлиқдир. Миллий уйғониш деганда, бу ўринда биринчи навбатда тараққиёт йўлида оммани билимли қилиш ва тарбиялаш тушунилар эди ва зиммасига алоҳида масъулият кўйилар эди. Шунинг учун Кувайтдаги Абдулазиз Рашид, Баҳрайндаги Холид Фараж каби маърифатпарварлар янги типдаги миллий матбуот, публицистика ва бадий адабиётни яратган илк кашшофлар бўлишди. Бу мамлакатларда таълимнинг янги тизими ва матбуотнинг пайдо бўлиши янги адабиётнинг янада ривожланиши учун зарур шароит яратди.

Зеро, бу мамлакатларда адабий янгиланиш араб “нефть даври” бошланишига қадар бошланган экан, умумий ижтимоий-иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида янги адабиёт намояндалари олдида, таъкидлаганимиздек, аҳолини билимли қилиш ва ахлоқий кадриятларни тарғиб қилиш вазифаси турар эди. Шунинг учун улар сезиларли даражада Миср, Ливан ва Сурия адабиётининг XIX–XX аср бўсағасидаги маърифатпарварлик меросига эътибор қаратдилар. Замонавий Миср, Сурия, Ливан ёзувчиларининг 40-йиллардаги романтизм, танқидий реализм тажрибалари уларни кам қизиқтирар эди, чунки бу йўналишлар ўша вақтдаги Арабистон жамиятидан фарқли ўлароқ ривожланган жамиятнинг маънавий эҳтиёжларига кўпроқ жавоб берар эди.

БАА, Қатар ва Ўмондаги аҳвол, Кувайт ва Баҳрайнга нисбатан бирмунча бошқача эди. Бу ерда адабий янгиланиш нефть омили томонидан вужудга келган ижтимоий фаровонликнинг кескин ўсиши натижасида бошланди. Нефть сотишдан олинаётган даромад ижтимоий таъминот, таълим ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан радио ва телевидениенинг тезкорлик билан ривожланишини таъминлади. Янги бадий адабиёт бошловчилари ўз замондошларининг ўрганиш осон бўлган асарларидан андоза ола бошладилар. Шунинг учун бу мамлакатлардаги янги адабиётнинг ривожланиши жуда тез – ҳақиқий эволюцион “сакраш” бўлди. Ўмон бадий насри бунинг ёрқин намунасидир.

Янги Ўмон насрининг кашшофларидан бири шоир, ҳикоянавис, романапис, публицист ва жамоат арбоби Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Тоий (1927–1973) бўлиб, у бутун Халиж араб мамлакатларининг афкор доираларида машхурликка эришган эди. Уч шеърый тўплам ва кўплаб газета ва журнал мақолаларидан ташқари, етти ҳикоя ва икки мўъжаз пьеса унинг қаламига мансуб бўлиб, улар ибратомуз маърифатпарварлик руҳида ёзилган эди. Шу билан бирга у янги Ўмон адабиётидаги “катта” наср асарларининг муаллифи ҳам бўлди. Булар: “Жабал Ахдар фаришталари” (1963) ва “Катта елкан” (1971)дир. Булардан биринчиси Ўмоннинг Султон Саид бин Таймур даврида



ягона давлатга бирлашиш тарихига бағишланган роман бўлиб, иккинчисид а эса ўмонликларнинг XVI–XVII асрларда португал босқинчиларига қарши кураши тасвирланган. Иккала роман ҳам XIX аср охиридаги Ливан маърифат-парварлари усулида ёзилган бўлиб, ўмонликларда миллий бирлик ва миллий ғурур хиссиётларини шакллантиришга қаратилган. Бу эса Ўмон давлатчилигининг мустақамланишига оид вазифалардан келиб чиққан эҳтиёж эди.

1970 йилда ҳокимиятга Султон Қобус бин Саид ҳазрати олийларининг келиши нафақат Ўмоннинг иқтисодий гуллаб яшнаши, балки миллий маданиятнинг барқ уриб ривожланишига олиб келди. Мамлакатда жадал суръатлар билан замонавий таълим тизими шакллана борди, турли илмий-маърифий марказлар, маданият клублари ва кутубхоналар ташкил қилинди. Юзлаб ёш ўмонликлар хорижга ўқишга кетдилар. 1986 йилда биринчи миллий университет очилди.

Мамлакатда “Ал-Ватан” (1971 й. бошл.), “Ўмон” (1972 й.б.), “Ал-Ғадир” (1977 й.б.), “Аш-Шабиба” (1983 й.б.) каби даврий нашрлар чиқа бошлади. Улар ўз саҳифаларида ёш ўмонлик носир ва шоирларнинг асарларини эълон қилдилар ва бу билан китобхонларда янги адабиётга нисбатан қарашларни, бадиий дидни шакллантиради.

Бу соҳада 1974 йилдан бошлаб ҳар чоракда нашр қилинадиган “Низва” журнали алоҳида роль ўйнади. Унинг муҳаррири таниқли Ўмон шоири ва мутафаккири Сайф Раҳбий эди. Бу журнал тўла электрон версияга (www.nizva.com) эга бўлиб, араб дунёсидаги энг яхши маданий-арабий нашрлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатда таълим ва матбуотнинг ривожланиши адабиёт ва ижодкорларнинг доирасини кенгайтирди. 1970–1980 йилларда ҳикоянавислар Аҳмад Билол, Маҳмуд Ҳусайбий, Али Абдуллоҳ Қалбоний, Содиқ бин Ҳасан Абдаваний, Ҳамад бин Рашид бин Рашод, романнавис Сайф бин Саид Саъдий, шунингдек, Сауд бин Саъд Музаффар ва Хамад Хамис Носирий ўз ижод йўлларини бошладилар. Гарчи бу ижодкорларнинг барчаси ўз ижодларида етарли даражада сентиментал сюжетлар яратган ҳолда шахснинг ахлоқий тарбиясининг маърифий жиҳатларига эътибор қаратган бўлсалар-да, шунга қарамай улар мамлакатда рўй бераётган ижтимоий ва маданий ўзгаришларни сезиларли даражада акс эттирдилар. Бу уларнинг асарларини реалистик баён турига яқинлаштиради.

Ўша давр ёзувчилари ўз асарларида ўсиб бораётган жамият фаровонлигига эътибор берибгина қолмай, балки анъанавий ахлоқий қадриятларнинг янги ҳаётий воқелик шароитида сақлаб қолиниши ҳақида ҳам қайғурдилар. Европаликлар ва Ғарб олий ўқув юртларидан қайтиб келаётган ёшлар билан бирга Ўмонга кириб келаётган Ғарб маданияти мазкур муаллифларнинг асарларида ахлоқни бузиш манбаи сифатида тасвирланади. Масалан, Сауд Музаффар “Қум ва муз” (1988) ва “Эркак ва аёл” (1990) романларида ўмонликларнинг европалик аёллар билан ишқий муносабатларини қоралайди. “1986” (1993), “Жабалул ҳажарлик эркаклар” (1995) романларида эса пул қудрати таъсирида мамлакатда оила-қариндошлик ришталари узилаётганли-



ги тасвирланади. “Апрелда ёккан ёмғир ” (1997) романида эса Ўмон янги бойларининг ҳақиқий гангстер жангарилари тарзидаги ҳаёти тасвирланади.

1970 йиллар бошидан Халиж араб мамлакатлари адабиётида ҳали етарли даражада ривожланмаган реалистик йўналиш билан бир қаторда аввалроқ Миср, Сурия ва Ливан ёзувчилари ижодида кенг тарқалган модернизм тамойиллари кузатилди. Халиж араб мамлакатларидаги модернистик ҳикоянинг илк ижодкорлари Кувайтлик Лайло Усмон, баҳрайнлик Амин Солиҳ ва Фавзия Рашид, БААдан Абдуллоҳ Сакр Миррий ва Сауд Аримийлар эди. 1980 йилларнинг ўрталарида шаклланган Ўмон ҳикоянависларининг янги авлоди ҳам миллий адабиётда таркиб топаётган реалистик йўналиш босқичини “сакраб ўтиб” модернизм эстетикасига мурожаат қиладилар. Мазкур авлоднинг Муҳаммад Қурмутий, Муҳаммад Балуший, Юнус Ахзамий, Яҳё Мунзарий каби вакиллари у ёки бу даражада аввал мавжуд бўлган воқеликни ҳаққоний объектив қўрсатишга интиланган сюжетли ҳикоялардан субъективликка ўтдилар ҳамда ўз асарларини тушқунлик ва бегоналашув ҳолатини шакллантирувчи онг оқими билан тўлдирдилар, шунингдек, аллегорик ва сюрреалистик тимсоллар яратишди.

Мазкур авлод ёзувчилари орасида ҳикоянавис ва романнавис Али Маъмарий (1958–2013) алоҳида ўрин тутди. Унинг ижодига постмодернистик хусусиятлар: матн “ўйин”и, иқтибосли талқинлар кўплиги, маънолар “нимранглиги”, персонажлар “шартлилиги” ва вақт чегаралари бузилиши кабилар хосдир.

Поляк тадқиқотчиси Б. Мишалак-Пикульска у ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Ўмон муаллифлари орасида у *enfant terrible*¹ тажассуми ҳисобланади. Унинг насрий асарлари ақлий тасниф ва таърифнинг мавжуд воситалари ёрдамида талқин қилиш ва таниқли таҳлилий усулларига мос тушмайди. Унинг асарлари гўё атайлаб мавжуд адабиёт қоидалари ҳамда ёзувчи ва китобхон ўртасида ўзаро муносабат механизмини барбод қилади. Унинг ижоди ўзида маънолари билан характерланиб, бу ҳолат ўқувчига у ёки бу маъно ёхуд бир талқинда тўхталиш имкониятини бермайди”².

Шубҳасиз, Али Маъмарий ижоди бошқа бир *enfant terrible* – Бирлашган Араб Амирлиги ёзувчиси Соний Сувайдий ижоди каби ёш араб ёзувчиларида дадил эксперимент руҳи мавжудлигини тасдиқлайди.

1990-йиллар ўрталаридан бошлаб, жаҳон ахборот алмашинувининг кескин тезлашуви ва унинг доираси кенгайиши (шу жумладан адабиётда ҳам) шароитида Ўмонда биринчи навбатда ижодий эксперимент, ёзувчиликнинг индивидуал усуллари ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйган янги носирлар авлоди шаклланди. Булар Муҳаммад Сайф Раҳбий, Холид Мансур Форисий, Салим Твайя, Халифа Султан Абри, Абдуллоҳ Ҳабиб, Али Саъид Сафавий, Муҳаммад Яҳё, Салим Хумайдий, Нумайр Салим Саъид, Сулаймон Маъмарий, Абдулазиз Форисий, Ҳусайн Абрий, Султон Азрий, Муҳаммад Аримий, Маҳмуд Раҳбий, Аҳмад Раҳбийлардир.

¹ *Enfant terrible* (фр.) – безори бола.

² Michalak Pikulska B. Modern poetry and prose of Oman 1970-2000. – Krakow, 2002. – P. 65.



Айни пайтда, Ўмон насрида бир қанча аёлларнинг номлари пайдо бўлди. Булар: Фотима Шаъбон, Бадрия Шаххий, Бадрия Вахайбий, Бушра Вахайбий, Тоҳира Лаватий, Хавла Зоҳирӣ, Зувайна Халфан, Жавҳа Харисий, Галия Саъид, Худа Жаҳварий, Азҳар Аҳмад, Раҳма Муғайзавийлардир. Бу адиб ва адибаларнинг барчаси араб ва жаҳон адабиётида мавжуд бўлган турли оқимлар, хусусан сюрреалистик модернизм (Хавла Зоҳирӣ), “шеърият” модернизми (Абдуллоҳ Ҳабиб), сеҳрли реализм (Бадрия Вахайбий) каби оқимларга мурожаат қиладилар.

2000 йил бошларидан Ўмон насрида романчилик анча ривожланди. Ижодини ҳикоянависликдан бошлаган кўпгина муаллифлар кенг миқёсли мавзу ва ғоявий-бадиий йўналишларни қамраб олувчи романларни эълон қилдилар. Масалан, Маҳмуд Раҳбийнинг “Орзуманднинг харитаси” (2010) деб номланган “муҳожирлик” романи қаҳрамони Янги Зеландиянинг маданиятидан ҳайратланиди. Бу роман ғоявий жиҳатдан илк араб маърифатчиларининг саёҳат таассуротлари типигаги романларига яқин туради. Бадрия Шаххийнинг “Физика-1” (2009) романи ҳаёти икки маданият – шарқ ва ғарб (рус) маданияти билан боғланган инсонларнинг тақдири ҳақида. Абдулазиз Форисийнинг “Ер йиғлайди, Сатурн кулади” (2007) романи араб насри учун анча типик бўлиб, уни “қишлоқ” романи дейиш мумкин. Унда шахс руҳиятидан кўра инсоний муносабатлар ва маҳаллий колоритга катта эътибор берилади.

Муҳаммад Сайф Раҳбийнинг “Бу ердан Саййид ўтган” романи етук тарихий асар бўлиб, унда Ўмоннинг XIX аср биринчи ярмидаги тарихи ҳужжатли далиллар билан тасвирланади ва бадиий тўқима билан уйғунлашиб кетади. Шу муаллифнинг “Хашт” (2008) романи замонавий Ўмон жамиятининг қусурларини очиқ тасвирлайди. Жавҳа Харисийнинг “Ой аёллари” (2010) романида XX асарда мамлакат ҳаётидаги радикал ўзгаришлар контексти остида бир неча Ўмон оилаларининг тақдири ҳикоя қилинади ва роман миллий эпопея характериға эға. Ўмон миллати учун оғриқли мавзу, яъни Дофар вилоятидаги 60–70-йилларда рўй берган қуролли тўқнашув Али Маъмарийнинг “Кўприклар шивири” (2008) романида қаламға олинади. Бу асар 100 та энг яхши араб романлари қаторига киради. Маҳмуд Раҳбийнинг “Сеҳрланган аёл бошлаган йўл” (2010) романи миллий халқ оғзаки ижоди оҳангларига таяниб, сеҳрли реализмға яқиндир. Хусайн Абрийнинг “Диазепам” (2001) романи шахсни англаш, ҳаддан зиёд бегоналашув ҳиссини, Али Маъмарийнинг “Фикрлар чўққиси” (2003) романи замон, макон ва воқеаларнинг сочмасини ифода этиб модернистик оқимға хос услубни қўллади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ҳозирги Ўмон насрида ўз ифодасини топган услуб ва ёндошувларнинг бундай хилма-хиллиги қирк йил давомида жадал ривожланиб, янгиланиш жараёни юз йил аввал бошланган бир қатор араб мамлакатлари билан бир босқич даражасига чиқиб олишға ҳаракатдалигидан далолат беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги Ўмон насри ҳар томонлама адабиётшунослик тадқиқотиға лойиқдир.